Бирлашган Миллатлар Ташқилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда Ер юзидеги ўз миллиондан ортқ ўсимир мактабга қатнаш имкониятига эга эмас. Дунёнинг 12 мамлакатиде болаларининг бошланғич умумтаълим мактабларига қатнаш кўрсаткичи пасайиб кетган.

Табиий саволи туғилди: янги, замонавий таълим масканларига қатнайдиган фарзандларимизнинг дарслардаги давоматига биз – ота-оналар, маҳалла-қўй, кенг жамоатчилик нечоғли эътиборлимиз? Ахир, қадрсиз иш – қадрсиз иш, дейдилар. Яъни, малакали кадрларсиз сифатли иш бажариб бўлмайдими, мураккаб техника-уқунларни бошқариш мумкин. Қолаверса, дарсга қатнамаган бола – назоратсиз қолди, дегани. Уларни четдан туриб «мулғак эркинлик», «чегарасиз эркинлик», «эркин ахлоқ» деган сохта ғояларни тикиштиришга эътибор берган турки мафқуравий марказларнинг таъсир доирасига топшириб қўйишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ.

Истиқлол йилларида мамлакатимизга қанчадан-қанча замонавий техника-технология кирдиб келмоқда, ишлаб чиқаришининг энг илгор соҳалари бўйича янгиликдан-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятининг бир пайтлар қўш уюса қаноти қуддиган беповён қўл ҳудудидеги 564 гектар майдонда ҳозир «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган. Бу ерда ҳарқил шериқлар билан ҳамкорликда тузилган ишлаб чиқариш қорхоналари томонидан ўнлаб турдаги рақобатдош махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Вилогатнинг яна бир иқтисодий гитгани – Халқро интермодал логистика марказидан дунёнинг ўнлаб йирик шаҳарларига ҳафтасига ўттиздан зиёд рейслар амалга оширилмоқда.

Бу ерда ишлайдиганларнинг ақсарияти мамлакатимиздаги коллеж битирувчилари бўлган навоийлик янгиликлар. Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ўнгар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарори бу борадаги ғоят муҳим ҳужжат бўлди. Унда касб-ўнгар коллежлари ва академик лицейлар учун илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касб тайёрларига эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ҳа, биз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганимиз, кам эмасимиз, кам бўлмайимиз ҳам! Ёшлар, қайси соҳада бўлсангиз, замонавий билимларни эгаллашга, илм чўққиларини забот этишга, энг илгор техника ва технологияларни жиловлашга бел бошлар экан, аввало, ана шу даъватга таяниб иш қўриш айни мудоқодир. Биз шавкатли аждодларимизга муносиб бўлмоғимиз зарур.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини кенг нишонлашга тайёрларлик ишлари бошланғич кетган. Ўтган йиллар мамлакатимизда бунёдкор халқимизнинг демократик ислоҳотларини янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жаҳитини ривожлантириш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ва самарали ҳаракатлари давридир. Бугун ҳаётимизнинг барча жаҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, эътироф этилган бу ҳақиқатни Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллиғида халқимиз танлаган йўл – тараққиётнинг ўзбек модели, жамяят ҳаётини янгилаш ва эркинлаштириш жараёнларида амалда ўзини оқлаётган ҳаётбахш ислоҳотлар яққол тасдиқлаб турибди.

Ғулом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият
тарғибот маркази раҳбари
(УзА)

АРМИЯ МАКТАБИДАН – ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган йилларда юзлаб ёшларимиз ана шу имкониятдан фойдаланиб, ўзи танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртиларида тахсил олди. Яна бир муҳим жиҳати, бу имтиёз билан талабаликка эришган қўллаб ёшлар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгдошларига ўрнат бўлмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўташ асосида кўмондонлик тасвияномасига сазовор бўлдими, – дейди Тошкент давлат техника университети талабаси, бекободлик Зикрилла Маҳмудов. – Берилган имтиёз туйғайли ўтган йили энг катта орузимга эришдим – талабаликка қабул қилидим. «Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати томонидан тўлов-контракт суммасининг 35 фоизи тўлаб берилганга яна бир моддий ёрдам бўлмоқда. Берилган бундай имтиёз ва имкониятларга жавабдан чуқур билим олишга ва танлаган касбимни пухта эгаллашга ҳаракат қилияман.

Ҳа, рағбат изланишга, фаолликка ундайди, ёшларда элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини қучайтиради. Зотан, ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз таълим тизимининг ҳам устувор йўналишларидандир. Бу юртимизда барча жаҳабдаги ислоҳотлар изчил ва узвий эканлигининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Президентимизнинг 2012 йил 31 май кунин қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қўрғоли Қўчалари сафида мудартали ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ёшларимиз учун яна бир муносиб тўхфа бўлди. Қуролли Қўчаларимиз қисмлари ва бўлималарида мудартали ҳарбий хизматни намунали ўтаб, олий ўқув юртиларига кириш учун тасвияномасига эга бўлган ёшларга берилётган имтиёзларининг рағбатлантирувчи омиллари сезиларли даражада кучайтирилди.

Эндиликда Қуролли Қўчаларимиз сафида мудартали ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тасвияномасига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бақаларлар тайёрлашда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига киришда тўғлаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи микдорда қўшимча баллга эга бўлади.

Яна бир имконият. Агар абитуриент ҳарбий қисм кўмондонлигининг тасвияномаси асосида имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган тақдирда, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балли ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўлаими (блоки) ва абитуриент томонидан тўплаган балларга мувофиқ, Таълим йўналишлари бўйича давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади. Бундай аризалар тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан қўриб чиқилади.

Давлатимиз раҳбарининг қарориде тасвияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёрларликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилиши таъкидланган. Бу ҳам, ўз навбатида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан бақувват, маънавий етук ёшлар билан тўлдирishга хизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Даврон Мирзақуллов

Бугунги кунда юртимизда мулкчиликнинг турли шаклларида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун барча қонуний асослар мавжуд ва уларнинг амалдаги ижроси адлия органлари томонидан доимий назорат қилинади.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 4 мартда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этади.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида айнан шу масала — шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов мамлакатимизда хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани иқтисодийёт ривожига ижобий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги ўсиш кўрсат-

ШАРТНОМАВИЙ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

кичлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари ривожига ҳамда аҳоли бандлиги бўйича эришилаётган натижалар мисолида айтиб ўтилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан 2011 йил ва 2012 йилнинг ўтган тўрт ойи давомида қишлоқ хўжалиги махсулотлари, фермер хўжаликлари билан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида ҳамда таъминот корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномаларнинг намунавий лойиҳалари белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар

билан ҳамкорликда тайёрланган ўн етти турдаги намунавий шартнома лойиҳаси, амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. Бундан ташқари, «Хўжалик шартномалари бажарилишининг ҳуқуқий асослари» деб номланган қўлланма ҳамда «Фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» ишлаб чиқилди.

Маълум бўлишича, адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузишда мунтазам зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, 2011 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиш-

тириш юзасидан тузилган 420 мингдан ортиқ шартномани бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунчиликка риоя қилиши устидан назорат олиб бориш, шартнома интизоми янада мустаҳкамлаш борасида 900 мингдан ортиқ шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилган. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 14,5 мингдан ортиқ ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилди.

Матбуот анжуманида хўжалик раҳбарлари томонидан шартнома интизомига риоя қилишдаги масъулиятини ошириш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир давомида Адлия вазирлиги қоридида «Адолат» наشريёти чоп этган юридик адабиётлар кўргазмаси намойиш этилди.

Отабек ОТАЁРОВ

ИЗЛАНИШ, САМАРА ВА ИМКОНИЯТ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Хулкар Эрдонова корейск тили ва маданияти танловида иштирок этиш учун август ойида Сеулга жўнаб кетади.

Хулкар Эрдонова шу йилнинг 2 июнида бўлиб ўтган корейск тили ва маданияти танловининг республика босқичида голиб чиқди ва ушбу имкониятни қўлга киритди. Мазкур танлов Ўзбекистонда илк бора ўтказилишига қарамай, унда 117 нафар талаба-ёшлар қатнашди.

Ушбу танлов Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида ташкил этилди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари корейлик ҳамкорлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган акцияларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бу билим даргоҳида 20-республика нотиклик санъати танлови ҳамда ўлкашунослик бўйича илмий анжуман ўтказилди.

Биринчи ярим финалда ёшлар орасидан энг сара 30 нафар қатнашчи танлаб олинди. Финалда эса иккита энг кучли номзод иштирок этди. Танлов саволларига тўлиқ ва аниқ жавоб берган Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Хулкар Эрдонова голиб деб топилди. Биринчи ўриндан ташқари иккита иккинчи ўрин ва учта учинчи ўрин соҳиблари аниқланди.

Танлов голиблари ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хулкар Эрдонова эса августда Сеулда бўлиб ўтадиган танловга 24 та давлатлар қаторида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун жўнаб кетади.

Луиза МАҲМУДОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

2012-2013 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида Тошкент шаҳрида 2012 йил 18 июндан 26 июлгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати

1-ИМ (М-1,4)

26 июнь ва 11 июль кунлари — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улугбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамара-хоним, Оққўрғон, Бодомзор йўли, И. Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шахробоод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 мавзелари, ТошГРЭС кўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

27 июнь ва 12 июль кунлари — Мирзо Улугбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р. Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув – 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

18 июнь ва 18 июль кунлари — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, А. Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, А. Хидоят, Хомутхонов кўчалари, Чорсу, Қоратоп, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

21 июнь ва 16 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-Берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Н. Ҳасанов, Себзор, М. Шамсуддинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтохур, Баҳор кўчалари 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,2,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2, 2/5 мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

19 июнь ва 13 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад До-

ниш, Янгишаҳар, Дехқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч қаҳрамон, Мойкўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1:19 даҳаларидаги турар жой мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

20 июнь ва 19 июль кунлари — Чилонзор, 5:12 турар жой мавзелари, Г9А, М, 6:20, 20А, 24:26 даҳалари, Дўмбиробод, Шарқ, Оқтепа, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза-Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Тақачи, Ширин, Лутфий кўчалари.

6-ИМ

25 июнь ва 12 июль кунлари — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Кўйлик, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик – 1:7, Қўйлик – Айланма йўли турар жой мавзелари.

7-ИМ

22 июнь ва 4 июль кунлари — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Оҳангарон шоссеси кўчалари, Тузел – 1,2,3,4, ДСК-1, Слонима – 1,2, Автасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

18 июнь ва 4 июль кунлари — Сергели 1:8А, Йўлдош – 8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Мехригийё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Кўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

25 июнь ва 17 июль кунлари — Чилонзор 9, Г9А, 10,13:15, 15А, 21:25,30,31 даҳалари,

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари, Фозилтепа 2 тор кўчаси.

10-ИМ

27 июнь ва 10 июль кунлари — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Голиб, Шифокорлар, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар 2-кўчаси, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш-2/3, 2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, Қамарнисо, Ўз.МУ-ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино -1,2, Белтепа турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-0)

5 июль ва 26 июль кунлари — Навоий, Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор 1:5, Е, И даҳалари, М-7 турар жой мавзеси.

ИЭМ (М-5,8)

29 июнь ва 20 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С. Толипов, Я. Фуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик ҳалқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5 турар жой мавзелари.

«Водник» козонхонаси

19 июнь ва 3 июль кунлари — «Сувсоз» турар жой мавзеси доирасида, Хусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ» козонхонаси

20 июнь ва 9 июль кунлари — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.



*Болалигим, сирли дoston,
Бир нурафшон палласан.
Адоги йўқ боғу бўстон,
Сеҳри бир алласан!*

Жамшид Норқобилов (Уза) олган сурат

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқув жиҳозлари ва мебелларини тайёрлаб, етказиб бериш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Мурожаат учун тел: 281-50-27
(97) 484-64-78



«АГРОБАНК»

очиқ акциядорлик
тижорат банки

қуйидаги тезкор халқаро пул ўтказмаларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ!



Халқаро пул ўтказмаси бўйича банк хизматлари
Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти бўлган
жисмоний шахсларга кўрсатилади.

**БИЗ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҲАР ҚАНДАЙ
ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ИШОНЧЛИДИР!**

Хизматлар лицензияланган.

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ баҳсларининг иккинчи турида Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Ливан миллий терма жамоаси билан куч синашди.

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

Ушбу учрашув ҳар икки терма жамоа учун муҳим аҳамиятга эга эди. Сабаби, ливанлик чарм тўп усталари ҳам, ўзбекистонлик футболчилар ҳам биринчи турда мағлубият аламини тотиб кўришган эди. Эътиборлиси шундаки, кўпчилик мутахассислару мухлислар ушбу учрашувда албатта Ўзбекистон терма жамоаси галаба қозонади, дея башорат қилишганди.

Дарҳақиқат, ўйинда ҳамюртларимиз яққол устунлик қилишди. Дастлабки дақиқалардан оқибатда мағлубиятга эришди. Дастлабки дақиқалардан оқибатда мағлубиятга эришди. Дастлабки дақиқалардан оқибатда мағлубиятга эришди. Дастлабки дақиқалардан оқибатда мағлубиятга эришди.

Мезбонлар аслида биринчи бўлимнинг 34-дақиқасидагина Нестеров дарвозасига биринчи қарши ҳужумни уюштиришди ва Али Ал-Саъдий узоқ масофадан кучсиз, аммо аниқ зарба бериб мувозанатни тиклади. 1:1.

Иккинчи бўлим ҳам ҳамюртларимизнинг устунлигида кечган бўлсада, 1:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармай қолди. Ушбу мағлубиятга тенг дуранг ҳамюртларимизни муҳим оқолардан маҳрум қилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, агар қолган баҳсларда футболчиларимиз галаба қозона олишмаса, Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш терма жамоамизга насиб қилмайд.

Шунингдек, жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг тўртинчи босқичи доирасида Қатар — Жанубий Корея терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда 1:4 ҳисобида Жанубий корейлик футболчилар галаба қозонишди.

Япония — Иордания терма жамоалари беллашувида мезбонлар иорданияликларни 6:0 ҳисобида мағлуб этишди. Шунингдек, Уммон — Австралия терма жамоалари баҳсида дарвозалар дахлсиз қолди.

ОНА ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Кўтаринки кайфиятда ўтган ушбу тадбирнинг асосий қаҳрамонларини эса шахримизнинг турли гўшаларида таълим ва таҳсил олаётган 200 дан ортиқ болажонлар ташкил этди.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ барча соҳаларда олиб борилаётган самарали ислохотлар сирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли орасида экологик маданиятни ошириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилиб, хайрли лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилаётди.

Бунинг исботи тариқасида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва қатор соҳа мутахассислари, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Тоза ҳаво», «Менинг яшил шахрим», «Қадрдон ўлкам табиати», «Очиқ эшиклар кўни», «Ёшлар табиатни муҳофаза қилиш тарафдори!» каби акциялар, лойиҳа ва тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шунингдек, қўмита томонидан йилгитқиларнинг экологик маданиятини янада бойитиш борасида оммавий ахборот воситалари билан илҳом қилувчи йўлга қўйилиб, кўрсатувлар тайёрланиб, маколалар чоп этилмоқда. Асосийси, аҳоли мурожаатларини туну кун қабул қилиш ва эътибордан четта қолдириш мақсадида «Ишонч телефонлари» ҳам ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Келажак авлодга атроф-муҳитнинг табиийлиги, тоза ҳаво ва экологик софлигининг сақланган ҳолда қолдирилиши нақадар муҳимлигини ҳис этиб, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Фанлар академияси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида талабалар ва касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари учун «Экология» китоблари чоп этилди. 1-4 синф ўқувчилари учун эса ўқув дарсликлари ишлаб чиқилди.



Дастлаб майдонга азалий рақиблар — Франция ва Англия терма жамоалари тушди. Рақиблар тўғрисида шунини айтиш мумкинки, Франция термаси кейинги 31 та ўйинда мағлубият аламини тотмай келяпти. Бунинг устига Вийера, Малуда, Рибьери каби ёши улғу ўйинчилар ҳам бугунги кунда яхши спорт формасида. Инглизлар ҳам кучли таркибга эга бўлса-да, бироқ, Ф.Лемпард, У.Руни каби икки етакчи чарм тўп устасининг ушбу ўйинда иштирок этмаганилиги албатта уларнинг таркибини анча заифлаштириб қўйди.

Хар нима бўлганда ҳам учрашувни иккала жамоа эътиборлик билан бошлади. Биринчи хавфли вазиятнинг 15-дақиқада юзага келгани ҳам шундан далолат беради.

30-дақиқада белгиланган жарима тўлидан инглизлар унумли фойдаланишди. С.Жерард чикарган тўпни Лоскот дарвозага аниқ йўллагани ҳолда хисобини очди. Французларнинг эса чап қанатдан уюштирилган ҳужумлари хавфли кечарди. 39-дақиқада шундай ҳужумлардан бири самарали яқунланди. Рибьери оширган тўпни Самир Насри кучли ва аниқ зарба билан дарвозанинг чап бурчагига жойлади — 1:1. Шундан сўнг французлар ҳужумга зўр беришган бўлса-да, ҳисоб ўзгармади.

Гуруҳдаги иккинчи ўйин Швеция ва Украина терма жамоалари ўртасида кечди. Ҳар иккала жамоанинг



Европа чемпионати — 2012

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Кеча «D» гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўртасида иккита учрашув бўлиб ўтди.

кучи деярли тенг бўлса-да, бироқ спортда «уйда деворлар ҳам ёрдам беради», деган ибора бор.

Дарҳақиқат, бу гал ҳам шундай бўлди. Иккинчи таймининг 10 дақиқаси давомида учрашув тақдирини ҳал бўлди. Яъни, 52-дақиқада Ибрагимовичнинг голдан сўнг Швеция терма жамоаси олдинга чиқиб олган бўлса-да, Олег Блохин шоғирдлари тушқунликка тушишмади. Украинларнинг энг тажрибали ўйинчиси А.Шевченко 55 ва 62-дақиқаларда икки тўп киритиб, ўз жамоасининг галабасини таъминлади. Шу тариқа Украина терма жамоаси «D» гуруҳида яқка пешқадам бўлиб олди.

Бугун «А» гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўзаро беллашишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Айниқса ёшлар орасида қиличбозликнинг оммалашиб бораётгани кувонарли ҳол. Бу жараён мураббийлардан ҳам доимо изланишни талаб этади.

Яқинда пойтахтимизда Республика қиличбозлик федерацияси ташаббуси билан мураббийлар иштирокида семинар машғулоти ташкил этилди. Ушбу тадбирга «хориж» мамлакатларидан қиличбозлик сирларини яхшигина ўзлаштирган маҳоратли мураббийлар тақлиф этилди. Унда қиличбозликни ривожлан-

Кейинги йилларда спортнинг барча турлари қатори қиличбозлик ҳам юртимизда жадал ривожланмоқда.

тириш, уни ёшларга ўргатишнинг энг замонавий усуллари ҳақида машғулот қатнашчиларига маълумот берилди ва амалий машғулотлар уюштирилди. Дарвоқе, ўтган йили ҳам мамлакатимизда қиличбозликнинг рапира йўналиши бўйича мураббий-

лар иштирокида семинар бўлиб ўтган эди. Бу сафарги шлага йўналишини янада ривожлантиришга мўлжалланган ушбу тадбир мураббийларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Бах сўзи немис тилидан «булоқча» деб таржима қилинади, лекин буюк бастакор Бетховен «Бах — бу булоқча эмас, балки денгиздир» дея таъкидлаган эди.

Жаҳон мусиқаси тарихидан

БАСТАКОР ИЖОДИ — БАМИСОЛИ ДЕНГИЗ

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши муносабати билан ёш оилалар, уларнинг тинч ва мустақкам бўлиши ҳамда соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида бўлгани каби, санъат соҳасида ҳам оилавий ҳамкорликни ва ҳамфикрликни кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида Матёқубовлар, Ражабийлар, Янов-Яновскийлар каби кўплаб оилаларни келтиришимиз мумкин. Бу каби оилавий мусиқачилар Европа мамлакатларида ҳам йўқ эмас. Бундай оилалардан бири Бахлар сулоласидир.

Дунё мусиқа маданиятида Бах сулоласининг аҳамияти алоҳида ўринга эга. 200 йил давомида Тюрингия бўйлаб Бахлар авлодидан шунчалик кўп органик, композитор, скрипкачи, флейтачи, капелмейстр, трубачилар етишиб чиқдики, Бах номининг ўзи санъаткор сўзининг синонимига айланиб қолди. Маҳорат, қўнқималари авлоддан-авлодга ўтиб келди, ижодий кучлар мустақамланди ва ниҳоят, улбу сулоланинг буюк вакили И. С. Бахда ўз чўққисига эришди.

Бах ва унинг авлодининг мусиқа маданиятига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. У бошлаган аъяна, яъни «прелюдия», «Фугалар» туркумини яратиб Д. Шостакович, Ф. Шопен, П. Чайковский ва бошқа композиторлар ижодида ривож топди. Бугунги кунда Бахнинг вафотида 250 йилдан ошди, аммо унинг ижодига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки, Бах мусиқага янги жанрларни олиб келди. Масалан, Бах «Месса», «Фуга»

каби жанрларни ривожлантирди. У ўз асарларида дин ва оддий инсон муносабатларини намён этган. Нафақат Бах, балки унинг фарзандлари ҳам нодир мусиқий истеъдодга эга эдилар. Ўсимир чоғлариданоқ улар бир неча мусиқа чоғуларини чалишни ўрганишган эди, қизи ва рафиқаси яхши овоз соҳибалари бўлган. Бу ўзига хос capella учун Бах турли вокал ва чоғлу мусиқаларини ёзган. Бахнинг ўғиллари Вильгельм Фридеман Бах, Карл Филипп Эмануэль Бах, Иоганн Кристоф Фридрих Бах ва Иоганн Кристиан Бах илк мусиқа сирларини отасидан ўрганиб, буюк композитор, органик, пианиночи, клавесин ижрочиси сифатида танилишди ва Бахлар авлодида алоҳида мавқега эга бўлишди.

Бугунги кунда Бах авлодининг яна бир вакили, бутун дунёга ёзувчи сифатида таниқ бўлган Ричард Бах ўз ижодий фаолиятини давом эттирмоқда.

Шундай қилиб, бир неча ижодий сулолалар қаторида Бахлар авлоди ҳам дунё мусиқа маданиятига, тарихига таъсир кўрсатиб келмоқда. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Бах ва унинг авлодининг ижоди жаҳон мусиқа ва санъат тарихидаги энг ноёб, энг буюк ҳодисалардан биридир. Унинг етуқ, умрбоқий асарлари қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларга тўла. Улар абадий, завол бўлмас умумбашарий туйғуларни бадий, гўзал ва фалсафий теран акс эттирганлиги билан ажралиб туради.

Гулчеҳра ДОНИЁРОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқашунослик бўлими талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ишоралар ҳамиша бўлади — фақат биз уларни илғамаймиз.

Яхши яшашга интилмаса, бунга инсоннинг ўзи айбдор.

Фаросат туғма бўлади — уни ўзлаштириб бўлмайди.

Ишқ — мавж, ҳавас — кўпик.

Ҳамма нарсага эришсанг, ҳеч нарсанинг қизиги қолмайди.

Бу дунёда кимдир яшайди, кимдир шунчаки кун кўради.

Ҳамма ҳам қарийди, лекин ҳамма ҳам қариганини тан олгиси келмайди.

Бировдан қизганганинг ўзингга ҳам буюрмайди.

Нодондан дўст чиқмас.

Ким билан бўлсанг, ўшанга тенгсан.

Улуғлар кўтарар юксакка, Тубанлар тортади пастга.

Бировдан хас таъма қилиб, тоғдай миннатини чекма.

Ўзини асраб яшаган кўпинча тасодиф қурбони бўлади.

Ҳақиқат — ягона, кўринишлари рангбаранг.

Билганинг — қатра, билмаганинг — дарё.

Бировга қолган кун ўтмайди.

Бировга ялиниб ўзингни хор қилгандан ўша ҳолатинг битмай қолгани яхши.

Кўнгил — қуш, ақл — қафас.

Бутун умр қидирганинг кўпинча оёгининг остидан чиқади.

Кеча — тарих, эрта — истиқбол.

Нодоннинг ҳақлиги — ноҳақлиги.

Кўнгил хотиржамлигини ҳеч нарсага алишиб бўлмайди.

Майда иш кўп вақтни олади-ю, баракаси бўлмайди.

Бахти қайтган — шахти қайтган.

Ҳаёт унга қандай қарашинга боғлиқ.

Эътироф қониқиш туйғусини уйғотади.

Ўзингга ўзинг ҳисоб бермасанг бекор.

Дўсти кўпга ҳаёт ташвишлари пинданд эмас.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ойимариқ кўчаси, 3-уйда яшовчи Шукурова Ҳосила номида бўлган уй-режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 13 июль куни ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди.
Тошкент шаҳрида 13 июль куни ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Фарбдан селкунида 5-10 метр тезликда кучайган ҳолда секундида 12-15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавлумотига кўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йилгилишига имконият яратмайди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фаз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.